

Бақара сураси, 142-оят

21:05 / 09.12.2017 2892

Одамлардан эси пастлари: «Буларни қиблаларидан нима юз ўгиртирди экан?» - дерлар. «Машриқу мағриб Аллоҳники, кимни хоҳласа, ўшани тўғри йўлга бошлайдир», - деб айт. Бақара 142.

Ушбу ояти карима келажакда рўй берадиган муҳим бир ишнинг хабарини бермоқда. Вақти етиб, Аллоҳнинг амри ила қибла Байтул Мақдисдан Каъбаи Муаззамага ўзгартирилганда, яъни мусулмонлар аввалги қиблани қўйиб, бошқасига юз бурганларида:

«Одамлардан эси пастлари: «Буларни қиблаларидан нима юз ўгиртирди экан?» - дерлар».

Яҳудийлар мусулмонларнинг Байтул Мақдисга юзланиб намоз ўқишдан Каъбага юзланиб намоз ўқишга ўтганларини кўрганларида «Буларни қиблаларидан нима юз ўгиртирди экан?» - дейдилар. Аллоҳ таолонинг бундай кўнгилсиз гаплар бўлишини аввалдан билдириб қўяётганининг сабабларидан бири бўлғуси ёмон таъсирни кесишдир. Чунки огоҳланган одам ундай саволга тайёрланиб туради. Мусулмонларга озор бериш, динлари, Қуръонлари ва пайғамбарларига нисбатан уларнинг ишончларини сусайтириш, қалбларига ғулғула солиш яҳудийларнинг одатларидир. Шу одатларига кўра, агар қибла ҳақида ҳам фитна қилишса, уларга қандай жавоб бериш лозимлигини Аллоҳ таолонинг Ўзи ўргатмоқда:

«Машриқу мағриб Аллоҳники, кимни хоҳласа, ўшани тўғри йўлга бошлайдир», - деб айт».

Демак, жами оламларнинг эгаси Аллоҳ қайси тарафни хоҳласа, ўша тарафни мартабада улуғроқ қилиб қўяди. Одамлардан ҳам, кимни хоҳласа, ўшани тўғри йўлга бошлаб, хидоятга солади. Аллоҳнинг Ўзи ихтиёр қилиб, Каъбани қибла этган экан, демак, шундай бўлғусидир.

Ушбу қибланинг ихтиёр этилиши Ислом умматининг улкан сифатига мос эди. Кейинги оят шунга ишора қилган ҳолда мусулмонларга хитоб бўлиб келади.